

Бақара сураси, 79

05:00 / 23.01.2017 4369

Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин! Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!

Ояти карима зикр қилган «арзон баҳо» ҳақида Имом Ҳасан Басрий: «Арзон баҳо–дунё ва унинг нарсаларидир» деган эканлар. Дунёга молу бойлик, мансаб ва бошқалар киради.

Ушбу ояти каримада инсон томонидан содир этиладиган энг улкан жиноятлардан бири ҳақида сўз кетмоқда. Бу ояти каримада дунё тарихидаги энг улкан жиноятлардан бирини содир этган набокорга дуои бад бўлмоқда.

«Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин!»

Молу дунё, мансабу амал, айшу ишрат ва ҳузур-ҳаловот йўлида билиб туриб, дин аҳкомларини бузадиган аҳли жаҳолатнинг васфи будир! Ундоқ жоҳиллар ўзларига диний илмларни билиш нисбатини берадилар. Улар кишиларга диний таълим бериш, дин аҳкомларини баён қилиб бериш даъвосини қиладилар. Бошқа кишилар, хусусан диний илмлардан беҳабарлар ёки етарли илми бўлмаганлар эҳтиёжлари тушганда ана ўша диний илм соҳибчилигини даъво қилиб юрган шахсларга мурожаат қиладилар. Бундоқ пайтда ҳақиқий диний олим Аллоҳнинг ҳукмини тўғри ҳолда айтиб беради. Сохта диний олим эса, вазиятга қарайди. У ўзининг дунёвий манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди. У ўзига фоида етиши учун Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол, дейиши ёки аксинча, Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром дейиши турган гап. Шундоқ қилиб, динни бузадилар. Натижада барча томон расво бўлади. Шунинг учун ҳам оятда ундоқ кишиларга ҳалокат тилаб дуои бад қилинмоқда. Ҳа,:

«Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!»

Яхудийлар ана шундоқ қавм эдилар. Уларнинг омийлари динларини ўрганмай, хомхаёллар билан юрар эдилар. Уларнинг олимлари эса, динни арзон баҳога сотар эдилар.

Омийлари ва олимларининг ҳоли бундай бўлган қавмнинг иймонга келишидан умидвор бўлса бўладими?! Тафсирчи олимларимиз оятлар Бани Исроил ҳақида тушган бўлса ҳам, ҳаммага тегишлидир, деганлар. Ҳозирги кунда мазкур сифатларнинг кўплари мусулмонман, деб гердайиб юрганларда ҳам мавжудлиги кишини даҳшатга солади.